

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ СОБИР ЙУЛДАШЕВИЧ

ИССИҚХОНАЛАРДА ПОМИДОРНИ ЧЕРРИ ТИПИДАГИ НАВ
НАМУНАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИК
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.01.06 – Сабзавотчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2024

УЎТ: 635.63+333:63

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on agricultural
sciences**

Эгамбердиев Собир Йулдошевич

Иссиқхоналарда помидорни черри типдаги нав намуналарини етиштириш
технологик элементларини ишлаб чиқиш..... 3

Эгамбердиев Собир Йулдошевич

Разработка технологических элементов выращивания в теплицах
сортообразцов помидора типа черри..... 19

Egamberdiyev Sobir Yo'ldoshevich

Development of technological elements of growing varietal samples of cherry
tomatoes in greenhouses..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ЭГАМБЕРДИЕВ СОБИР ЙУЛДАШЕВИЧ

ИССИҚХОНАЛАРДА ПОМИДОРНИ ЧЕРРИ ТИПИДАГИ НАВ
НАМУНАЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИК
ЭЛЕМЕНТЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

06.01.06 – Сабзавотчилик

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Qx903** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат аграр университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Юнусов Салоҳиддин Атхамович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Дусмуратова Саодат Исмаиловна
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Хошимхўжаев Бехзод Музаффарович
кишлоқ хўжалик фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

**Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик
илмий-тадқиқот институти**

Диссертация химояси Тошкент давлат аграр университети хузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли илмий кенгашнинг 2024 йил 27 феврал соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz. Тошкент давлат аграр университети маъмурий биноси, 1-кават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№550317-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети Ахборот-ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 2024 йил 12-феврал куни тарқатилди.
(2023 йил 5-декабрь №83-рақамли рўйхат баённомаси).



Э.Т. Бердиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

М.З. Холмуротов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.д., доцент

А.А. Сафаров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, к.х.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Дунёда содир бўлаётган озиқ-овқат муаммосини бартараф этиш, аҳоли сонини ортиб бориши, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтиришга, жадаллашган технологияларни ишлаб чиқишни тақазо этмоқда Помидор дунё миқёсида энг кўп етиштириладиган ва истеъмол қилинадиган сабзавот экини ҳисобланади ва у дунёда кенг етиштириладиган 15 та асосий қишлоқ хўжалиги экинларидан биридир. Энг кўп помидор етиштирувчи мамлакатлар Хитой (62,9 млн. т), Ҳиндистон (19,0 млн. т), АҚШ (10,6 млн. т), Туркия (12,8 млн. т), Италия (5,3 млн. т), Эрон (5,3 млн. т), Испания (5,0 млн. т), Мексика (4,3 млн. т), Бразилия (3,9 млн. т) ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам помидор етакчи сабзавот экинидир. Охириги йилларда республикамизда 61,37 минг гектар майдонда помидор етиштирилган ва ялпи ҳосил 2,2 млн. тоннани, ўртача ҳосилдорлик эса 25,0 т/га ни ташкил этган.¹ Ҳозирда помидорни иссиқхоналарда етиштиришда черри типдаги кичик мевали нав ва дурагайларни танлаш, ҳосилдорликни ошириш бўйича замонавий агро техник тадбирларни ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Бугунги кунда черри помидор етиштириш ҳажмини кўпайтиришга талаб ортиб бормоқда. Шу боис қишлоқ хўжалиги ривожланган Европа мамлакатлари, АҚШ, Исроил, Япония, Россияда черри типдаги меваси кичик (10-20 г), ташқи кўриниши чиройли, қизил, сариқ, қора, пушти рангли, мазаси ширин янги навларни яратиш ва етиштиришни инновацион технологияларини қўллаш бўйича кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шундай бўлсада бугунги кунда иссиқхоналарда черри помидорни серҳосил, касалликларга чидамли нав ва дурагайларини ўрганиш, ажратиш ҳамда етиштиришнинг инновацион технологик элементларини ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ҳамда тан нарҳини камайтириш муҳим ҳисобланади.

Республикада сабзавотчилик, жумладан помидорни ананавий усулда етиштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилиб муайян натижаларга эришилган. Лекин ҳозирда замонавий технологиялар асосида иссиқхоналарда черри помидор етиштириш ва уни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар етарли эмас. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги 60-сонли Фармонининг миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлашга бағишланган 3.30-бандида ҳам «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 бараварга ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 % га етказиш» масаласи муҳим стратегик масалалардан бири сифатида алоҳида белгилаб қўйилган. Ҳозирги кунда сабзавотчилик тармоғини бошқариш, тизимни тубдан ислоҳ қилиш, иссиқхоналарда черри помидор етиштириш ҳажмини ошириш ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт ҳажмини ошириш борасида изчил

¹statinform.uzstat.gov.ru/sel/ogurec.html.

чоралар амалга оширилаётганлиги сабабли, черри помидорни етиштириш технологик элементларини илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549-сон «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада қўшилган қиймат занжирини яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарори, 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сон “Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга доир бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Черри помидор нав намуналарини яратиш ва истиқболлиларини ажратиш борасида дунё олимларидан С.Н. Muller, К. Kalloo, К. Winringham, Х. Рутгенлар томонидан ўрганилган бўлса, МДХ мамлакатларида А.В.Алпатыев, Д.Д. Брежнев, С.И. Игнатева, Т.А.Терешонкова, А.С. Ерошевская, Е.В. Титова, А.А. Аутко, В.Г. Король, Г.А. Кузминкая, Н.И. Бочарникова, П.М. Ахмедов, Г.М. Мустафаев, Ўзбекистонда эса Е.В. Ермолова, Б.А. Азимов, Е.Е. Лян, М.Х.Арамовлар, черри помидорга ўстирувчи моддалар қўллаш борасида МДХ мамлакатларида И.А. Жевнова, И.А. Мелник, А.А. Сулимов, А.Г. Абрамов, Н.А. Енгальчева, К.Л. Алексеевалар, республикамизда эса А.А. Атаходжаев, Е.Е.Талалова, А.М. Аббосов, А. Мухаммадиев, В. Зуев, С.Дусмуратова, С. Юнусовлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Аmmo шу кунга қадар иссиқхоналарда етиштиришга мўлжалланган черри типидagi помидор нав ва дурагайларни етиштириш технологиясининг илмий асослари, яъни нав танлаш, янги ўстирувчи, сув тежовчи моддалар таъсири ва мақбул экиш схемалари бўйича Ўзбекистонда илмий изланишлар етарлича олиб борилмаган. Шунинг учун юқоридаги агроусулларни илмий асослаш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тошкент давлат аграр университети Сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачилик кафедрасининг № 7.1-рақамли «Ўзбекистонда сабзавот ва полиз экинлари турларини етиштиришнинг инновацион технологияларини илмий асослаш ва такомиллаштириш» мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари режаси

доирасида бажарилган (2020-2025).

Тадқиқотнинг мақсади Помидорни иссиқхоналарда черри типидagi нав намуналарини етиштириш технологик элементларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари қуйидагилардан иборат:

черри помидорни иссиқхоналарда нав намуналари қимматли хўжалик белгилари (тезпишарлиги, касалликларга чидамлилиги, ҳосилдорлиги, мева сифати) бўйича баҳолаш ва истиқболли навларни ажратиш;

иссиқхоналарда черри помидор маҳсулдорлигига ўсишни бошқарувчи ва сув тежовчи моддаларнинг таъсири ва мақбул қўллаш усулларини аниқлаш;

иссиқхоналарда черри помидор етиштиришда мақбул экиш схемалари ва ўсимлик қалинлигини аниқлаш;

иссиқхоналарда черри помидор етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида черри помидорни 11 та нав намуналари ўсимлиги ва мевалари, 4 та ўсишни бошқарувчи ва 1 та сув тежовчи модда ва 4 та экиш усуллари хизмат қилади.

Тадқиқот предмети сифатида черри помидорни иссиқхоналарда нав намуналарини баҳолаш, уларни тезпишар, пояси кучли ўсувчи, касалликка чидамли, ҳосилдорлиги юқори ва товарбоп ҳосилли нав намуналарини ажратиш, ўстирувчи ва сув тежовчи моддаларни қўллаш усулини аниқлаш, мақбул экиш схемалари ва кўчат қалинлигини аниқлаш хизмат қилади.

Тадқиқот услублари. Тадқиқотларда дала тажрибаларини ўтказишда фенологик кузатувлар, биометрик ўлчовлар, касалликларига чидамлилигини аниқлаш, ҳосил миқдори ва товарбоплик сифати бўйича кузатувлар олиб борилган. Кузатув ва ҳисоблаш ишлари умум қабул қилинган талабларга мос равишда ўтказилган. Тажрибалар 4 қайтариқли қилиб қўйилган. Тадқиқот натижаларини статистик тахлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида дисперсион тахлил усули бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотларнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор черри помидорни иссиқхоналарда серҳосил (12,7-14,7 кг/м²), эртапишар (12 кун), касалликларга чидамли, юқори иқтисодий самарадор (563 млн. – 1101 млн.сўм соф фойда) ва ширин мевали Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад навлари истиқболли деб топилган;

черри помидорни иссиқхонада етиштиришда Connect моддасини 200 мл/100 л меъёрда уруғларни ивитиш ва баргидан 2 марта пуркаш ҳосилдорликни (17,1-17,5 кг/м²) ва товарбоп ҳосил улушини (94,2-94,5 %) оширганлиги аниқланган;

черри помидор кўчатларни экишда тупроқда намлигини сақловчи Гидрогель моддасини 1,2 г/м² меъёрда қўллаш ҳосилдорликни (17,9 кг/м²) ва товарбоп ҳосил улушини (95,2 %) оширганлиги аниқланган;

черри помидорни иссиқхонада етиштиришда мақбул ($\frac{(80 + 60)}{2} \times 30$ см)

экиш схемаси юқори самарадорликка эришганлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

черри помидорни иссиқхоналарда серҳосил, эртапишар, касалликларга чидамли ва ширин мевали Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад навлари ажратилган;

черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришга мос Ўзбекистон учун истиқболли 4 та Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад навлари ажратилган ва кенг миқёсда экишга тавсия этилган;

ўсишни бошқарувчи моддалардан Connect, Microset Super, Radimax ва Grower моддаларини черри помидор етиштиришда ўсимлик уруғларини ивитиш ва баргидан 2 марта пуркаш усули юқори самара бериши аниқланган;

тупрокда нам сақловчи Гидрогель моддасини черри помидор етиштиришда кўчатларини экиш билан бирга қўллаш самарадорлиги аниқланган;

черри помидорни иссиқхонада етиштириш учун экиш схемаси $\frac{(80 + 60)}{2} \times 30$ см. ўсимлик қалинлиги 47619 ўсим/га энг мақбул вариант эканлиги аниқланган;

черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги аниқланган, истиқболли навлар тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар йили дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботларнинг институт илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги, тажриба натижалари маълумотлари математик ва статистик таҳлил қилинганлиги, истиқболли навлар ва уларни етиштириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, диссертация ишининг асосий илмий натижалари асосида ОАК рўйхатига кирган илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти черри помидорни иссиқхоналарда етиштириш учун серҳосил, эртапишар ва касалликка чидамли, истиқболли навлари ажратилганлиги ҳамда ушбу навларга ўсишни бошқарувчи ва сув тежовчи моддаларни қўллаш самарадорлиги ва мақбул экиш схемаси самарадорлиги аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлари натижаларининг амалий аҳамияти черри помидорни иссиқхоналарда етиштириш учун мос навлари тавсия этилган. Connect, Microset Super, Radimax, Grower каби ўсишни бошқарувчи ва сув тежовчи Гидрогель моддаларини ўсимлик уруғларини ивитиш, кўчатлар билан бирга экиш ва баргидан озиклантириш усуллари самарадорлиги аниқланлиги, иссиқхоналарда етиштириш учун энг мақбул экиш схемаси $\frac{(80 + 60)}{2} \times 30$ см,

ишлаб чиқилганлиги, черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришда Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад

навларини экиш самарадорлиги асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Иссиқхоналарда помидорни черри типдаги нав намуналарини етиштиришнинг технологик элементларини илмий асослаш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида:

черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришга мос истиқболли навларини етиштириш ишланмаси Тошкент вилояти Қибрай тумани “Мирзажонов Холмат Файз” МЧЖ нинг 0,5 га, Қашқадарё вилояти Қамаш тумани “Муродбек Зухриддинович” фермер хўжалигида 0,7 га майдонлардаги иссиқхоналарда асосий экин сифатида черри помидорининг Медовый каскад, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Блек черри каби навлари экилди ҳамда ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги №04/21-05/4157-сон маълумотномаси). Ушбу янги навларни етиштириш натижасида хўжаликлардаги бошқа навларга нисбатан 19 – 21% гача юқори самарадорликка эришилган.

черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришда ўсиб ривожланишига янги ўстирувчи моддаларни таъсири ишланмаси Қашқадарё вилояти Қамаш тумани “Ғаллакор пахта толаси” фермер хўжалигида 0,5 га, Қамаш тумани “Зафаров Шахзодбек” фермер хўжалигида 0,8 га, Андижон вилояти Асака тумани “Самарагрозоветсервис” МЧЖ нинг 1,0 га майдонларидаги иссиқхоналарга экилиб, ишлаб чиқаришга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 21 августдаги №04/21-05/4157-сон маълумотномаси). Натижада черри помидор уруғларини Microset Super (50 мл/100 л) ва Connect (200 мл/100 л) препаратларида ивитиш ва ўсимликка 2 марта пуркаш, помидор кўчатларини Гидрогель моддаси билан биргаликда экиш усулларини қўллаш натижасида хўжаликлардан гектарига 19 – 21% гача юқори самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 9 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 3 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Тадқиқот натижаларини эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 4 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 2 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган, 1 та тавсиянома чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан

иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг ҳажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **“Муаммони ўрганилганлик даражаси” (адабиётлар шарҳи)** деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республика олимларининг диссертация мавзуси юзасидан олиб борган илмий тадқиқотлари ва илмий манбалари шарҳланган. Бунда черри помидорни ботаник тарлари ва классификацияси, нав ва дурагайлари хусусиятлари, черри помидорни иссиқхоналарда етиштириш технологиялари юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услуги”** деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг **“Тадқиқот ўтказиш жойи ва иқлим шароити”**, **“Тадқиқотнинг объекти ва тажриба ўтказиш услуги”** ва **“Черри помидорни иссиқхонада етиштириш агротехнологияси”** бўлимларида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказиш услуги, дала тажрибалари тизими, тажрибалар юзасидан кузатувлар ва ўлчовлар олиб борилган.

Диссертациянинг **“Иссиқхоналарда черри помидорни қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган истиқболли нав намуналарини танлаш”** деб номланган учинчи бобида черри помидорни иссиқхонада етиштиришда нав намуналарини танлаш ҳамда истиқболли навларни ажратиш бўйича натижалари баён этилган. Жумладан, ушбу бобнинг **“Черри типдаги помидор нав намуналарининг фенофазалари бўйича баҳолаш”** деб номланган бўлимида иссиқхоналарда етиштириш учун черри помидорни стандарт Марварид навига таққосланиб 10 нав намуналари нав синови (2019-2021 йй.) ўтказилган.

Тадқиқот натижасида черри помидорни комплекс қимматли хўжалик белгиларига эга бўлган ва айрим касалликларига чидамли бўлган истиқболли нав намуналари ажратиб олинган. Бунда черри помидорни умумий ҳосил, товарбоп ҳосил ва товарбоп ҳосилнинг умумий ҳосилдаги улуши ҳамда

меваларнинг ўртача вазни аниқланди. Меваларнинг ўртача вазни стандарт Марварид навида 22 г ни ташкил этиб, нав намуналари ичида энг юқори кўрсаткич Quality seed навида 43 г ни ташкил этди. Энг кам кўрсаткич эса Диковинка ва Красные бусы навларида 10-12 г ни ташкил қилди.

Тажрибада нав намуналарнинг товарбоп ҳосили стандарт навга нисбатан энг юқори товарбоп ҳосил Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад нав намуналарида бир метр квадратдан 12,7-14,7 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,0-94,2 фоизни ташкил этди. Тажрибада черри помидорни стандарт Марварид навида нисбатан Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки, Диковинка, Медовый каскад, Красные бусы ва Балконный желтый F₁ нав намуналари 14-55 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги ва ҳосил сифати яхши эканлиги маълум бўлди (1-жадвал, 1-расм).

1-жадвал

Черри помидор нав намуналарини иссиқхонада етиштиришда ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2019-2021 йй.).

	Нав намуналар	Меванинг ўртача вазни, г	Товарбоп ҳосил, кг/м ²	Товарбоп ҳосил улуши, %	Стандартга нисбатан, %	Дегустацион баҳоси, балл
1	Марварид-стандарт	22	9,5	92,8	100	9,6
2	Медовый каскад	19	12,7	94,1	134	9,8
3	Красный сливовидный	16	13,4	93,8	141	9,7
4	Красные бусы	10	10,8	92,7	114	9,6
5	Диковинка	12	9,7	92,5	102	9,7
6	Блек черри	23	14,7	94,2	155	9,7
7	Балконное чудо	16	9,5	91,1	100	9,6
8	Гуливер	15	5,5	85,4	58	9,2
9	Quality seed	43	6,2	86,1	65	9,0
10	1000 N2 помидорки	17	13,3	92,9	140	9,8
11	Балконный желтый F ₁	21	11,0	93,4	116	9,8
	ЭКМФ ₀₅	5,2	1,0			
	Sx,%	2,8	3,8			



1-расм. Илмий-тадқиқот жараёни (2020-2022 йй.)

а) уруғларни кассетларга экиш жараёни

б) ҳосилни пишиб етилиши

в) ҳосил миқдори ва сифатини аниқлаш

Диссертациянинг **“Черри помидор ўсиб ривожланишига ўсишни бошқарувчи моддаларини қўллаш самарадорлигини илмий асослаш”** деб номланган тўртинчи бобида черри помидор ўсимлигини етиштиришда янги ўсишни бошқарувчи моддаларнинг таъсири ва самарадорлиги ўрганилган. Ушбу бобони **“Черри помидор етиштиришда ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллашни мақбул меъёрлари ва усулларини ўсимлик фенофазаларига таъсирини аниқлаш”** деб номланган бўлимида, черри помидор уруғларини унувчанлигини ва маҳсулдорлигини оширишда ўстирувчи моддаларнинг ижобий таъсири баён этилган.

Тажрибада янги Microset Super (50 мл/100 л), Radimax (100 мл/100 л), Connect (200 мл/100 л) ва Grower (150 мл/100 л), каби препаратлар билан черри помидор уруғларга ишлов бериш, яъни ивитиб экиш ва ўсимликка ўсув даврида 2 марта пуркаш ўрганилди ва назорат сифатида черри помидорни куруқ уруғлари экилди. Олиб борилган тажрибада ўрганилган вариантлар ичида Connect (200 мл/100 л) моддасида уруғ ивитиб экилган ва Connect (200 мл/100 л) да уруғни ивитиш ва ўсимликка 2 марта пуркалган ҳамда уруғни Radimax (100 мл/100 л) моддасида ивитиб экилган вариантларда ҳосил (99-101 кун) эртапишганлиги ва ҳосил бериш давомийлиги узок (156-157 кун) бўлганлиги аниқланди.

Тадқиқот давомида черри помидорни энг юқори товарбоп ҳосил Connect моддасини 200 мл/100 л меъёрда уруғларни ивитиш ва баргидан озиклантириш вариантларида 17,1-17,5 кг/м² олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 94,2-94,5 фоизни ташкил этди.

Тажрибада энг кам ҳосил тўплаган назорат вариант бўлиб, қолган вариантларда товарбоп ҳосил миқдори назоратга нисбатан 3-14 фоизга юқори ҳосил берганлиги ва ҳосил сифати яхши эканлиги аниқланди (2-жадвал).

Черри помидорнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларини таҳлил қилганимизда, товарбоп ҳосилнинг ортиши (кг/м²) билан ўз навбатида товарбоплик


Диссертациянинг “Черри помидор етиштиришда гидрогель моддасини қўллаш самарадорлигини аниқлаш” деб бўлимида тупроқ намлигини сақловчи, сувни тежовчи ва чўл худудларда ҳам ўсимликларни ўсиб ривожланиш имконини берувчи гидрогель полимерини черри помидорни Блек черри, Красный сливовидный ва 1000 N2 помидорки навларини иссиқхоналарда етиштиришда қўллаш самарадорлиги ўрганилди. Тажрибада черри помидор қўчатларини экиш жараёнида гидрогель препаратини 1200 мг/м² миқдорда солиб экиш назоратга нисбатан гулларни эрта гуллашини, яъни навлараро - 7-12 кунга, меваларни эрта пишиб етилишини -10-13 кун ва ҳосил бериш даврини 7-10 кунга ортишини таъминлаган.

Тажрибада ўсимлик ер устки қисмини ўсиши бўйича энг юқори кўрсаткич Блек черри ва 1000 N2 помидорки навларига гидрогелни 1200 мг/м² қўлланган вариантыда 300-304 см ни ташкил этиб, назоратга нисбатан асосий поянинг узунлиги 29-37 см га юқори бўлганлиги аниқланди.

Черри помидор нав намуналари қўчатларини экишда гидрогель полимер моддасини мақбул қўллаш меъёри, яъни 1200 мг/м² миқдорда солиб экиш усули ҳосилдорликни назоратга нисбатан Блек черри навида 3,7 кг/м² (26 фоиз), Красный сливовидный навида - 2,3 кг/м² (18 фоиз) ва 1000 N2 помидорки навида эса - 2,3 кг/м² (18 фоиз) га оширганлиги маълум бўлди (2, 3, 4-расм).



3-расм. Черри помидорни Блек черри нави ҳосилдорлигига гидрогель моддасининг таъсири (2020-2022 йй.)



4-расм. Черри помидорни Красный сливовидный нави ҳосилдорлигига гидрогель моддасининг таъсири (2020-2022 йй.)



5-расм. Черри помидорни 1000 N2 помидорки нави ҳосилдорлигига гидрогель моддасининг таъсири (2020-2022 йй.)

Диссертациянинг “Иссиқхоналарда черри помидор етиштиришда мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлигини аниқлаш” деб номланган бешинчи бобида черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришда турли экиш схемаларининг самарадорлиги аниқланган. Ушбу бобнинг “Черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришда мақбул экиш схемасини ўсимликни биометрик кўрсаткичларига таъсири” номли бўлимида черри помидор маҳсулдорлигига турли экиш схемаларининг таъсири ўрганилган. Бунда назорат сифатида $\frac{90+50}{2} \times 40$ см ўлчамдаги экиш схемаси олиниб, $\frac{90+50}{2} \times 30$ см, $\frac{80+60}{2} \times 30$ см ва $\frac{80+60}{2} \times 40$ см вариантлар таққосланиб ўрганилди.

Тадқиқот натижасида турли экиш схемаларининг черри помидор ер устки қисмини ўсишига таъсири Тажрибада ҳар уччала кузатувларда ҳам асосий поянинг узунлиги энг юқори кўрсаткичга эга бўлган ва $\frac{80+60}{2} \times 40$ см экиш схемаси бўлиб, (117 кунда-283 см) назоратга нисбатан 8 см юқори бўлганлиги, $\frac{90+50}{2} \times 30$ см экиш схемасида эса (117 кунда- 277 см) назоратга нисбатан 2 см юқори бўлганлиги аниқланди (3-жадвал).

3-жадвал

Черри помидорни Блек черри навини ҳар хил экиш схемаларини ўсимлик ер устки қисмини ўсиши ва ривожланишига таъсири (2020-2022 йй.).

Экиш схемалари, см	Асосий поя узунлиги (см) кунларда:			Асосий поядаги яруслар сони (дона) кунларда:			Барглар сони (дона) кунларда:		
	62	80	117	62	80	117	62	80	117
$\frac{(90+50)}{2} \times 30$	92	192	264	10	16	46	14	29	50
$\frac{(90+50)}{2} \times 40$, назорат	98	199	275	12	19	47	14	32	53
$\frac{(80+60)}{2} \times 30$	94	203	277	11	17	49	14	31	52
$\frac{(80+60)}{2} \times 40$	97	205	283	12	20	50	17	33	54

Черри помидорни турли хил экиш схемаларида етиштиришда фузариоз сўлиш ва фитофтороз касаллиги билан касалланиши даражаси кузатилди. Бунда фузароиз сўлиш касаллиги билан фақат битта $\frac{90+50}{2} \times 30$ см ли экиш схемаси 5 фоиз касалланган. Қолган экиш схемаларида ушбу касаллик учрамаган. Фитофтороз касаллиги ҳам фақат битта назорат вариантда 1,5 фоизга касалланган. Бу албатта ўсимлик қалинлиги билан боғлиқ бўлиб, қатордаги ўсимликларнинг ораси қисқа бўлганда касаллик аломатларини кузатиш мумкин.

Диссертациянинг “Черри помидорни истиқболли навини мақбул экиш схемаси ва ўсимлик қалинлигини ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсирини таҳлил қилиш” номли бўлимида черри помидорни мевасининг ўртача вазни товарбоп ҳосили, бир тупдан олинган ҳосил ва товарбоп ҳосил улуши аниқланди (4-жадвал).

4-жадвал

Турли хил экиш схемаларида экилган черри помидорни ҳосилдорлик кўрсаткичлари (2020-2022 йй.).

Экиш схемаси, см	Ўсимлик сони, дона	Мева вазни, г	Товарбоп ҳосил улуши, %	Бир туп ҳосили, кг	Товарбоп ҳосил	
					кг/м ²	% назоратга нисбатан
$\frac{(90+50)}{2} \times 30$	47619	23	87.7	5,34	14,6	97
$\frac{(90+50)}{2} \times 40$, назорат	35714	24	90.0	5,50	15,0	100
$\frac{(80+60)}{2} \times 30$	47619	20	93.6	5,66	16,2	108
$\frac{(80+60)}{2} \times 40$	35714	22	91.1	5,96	15,4	103
ЭКМФ ₀₅ , т/га					0,3	
Sx, %					2,6	

Тажрибада товарбоп ҳосил вариантлар аро 14,6-16,2 кг/м² ни ташкил этди. Бунда энг юқори товарбоп ҳосил $\frac{80+60}{2} \times 30$ см ли вариантда бир метр квадратдан 16,2 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,6 фоизни ташкил этди. Назорат вариантнинг товарбоп ҳосили 15,0 кг ни ташкил этиб, товарбоп ҳосил улуши эса 90,0 фоизни ташкил этди. Тажрибада энг кам ҳосил тўплаган $\frac{90+50}{2} \times 30$ см экиш схемаси (14,6 кг/м²) бўлди ва товарбоп ҳосил улуши 87,7 фоизни ташкил этди. Ушбу экиш схемасида нотовар ҳосил миқдори кўп бўлди.

Тажрибада назорат вариантга нисбатан $\frac{80+60}{2} \times 30$ см ли ва $\frac{80+60}{2} \times 40$ см ли экиш схемалари 3-8 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги ва ҳосил сифати яхши эканлиги аниқланди.

ХУЛОСАЛАР

1. Тажрибада ўрганилган черри помидор намуналари уруғлари экилгандан сўнг 10 фоизга ва ёппасига, 75 фоиз униб чиқиши кузатилганда, Красные бусы, Блек черри, Балконный желтый F₁ ва Диковинка нав намуналари нисбатан эрта 6-8 кунда униб чиққанлиги кузатилди.

2. Ўсимликларнинг гуллаш фазаси кузатилганда намуналар аро 49-80 кунни ташкил этиб, нисбатан эрта гулга кирган намуналар Балконный желтый F₁ дурагайи ва Блек черри навида бўлди. Красный сливовидный ва Quality seed навлари эса нисбатан кеч 79-80 кунда гулга кирган. Ушбу навлар иссиқхоналарда нисбатан кеч гулга кириши аниқланди.

3. Синалган нав намуналари ичида (12 кун) эртапишар ва ҳосил бериш давомийлиги (29-39 кун) узок бўлган Блек черри, Балконный желтый F₁ ва 1000 N2 помидорки намуналари ажралиб чиқди.

4. Черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришда ер устки қисмини ўсиши стандарт навга нисбатан кучли бўлган Блек черри, Балконный желтый F₁ ва Красный сливовидный нав намуналари ажралиб чиқди. Нав намуналари ичида нисбатан калта палак бўлган Гуливер ва Quality seed навлари аниқланди.

5. Тажрибада Медовый каскад, Красный сливовидный, Блек черри ва Балконный желтый F₁ нав намуналари фузариоз сўлиш касаллигига нисбатан чидамли эканлиги маълум бўлди.

6. Ҳосилдорлик кўрсаткичлари бўйича стандарт Марварид навига нисбатан Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки, Медовый каскад намуналарида бир метр квадратдан 12,7-14,7 кг ҳосил олинди ва товарбоп ҳосил улуши эса 93,0-94,2 фоизни ташкил этди.

7. Тажрибада черри помидорга ўстирувчи моддаларни қўллаш ўсимликларнинг гуллашини (7-11 кун), меваларни пишиб етилишини (8-15 кун) эрта бўлишига сабаб бўлган. Энг эрта пишиб етилган вариантлар Connect (200 мл/100 л) моддасида уруғ ивителиб экилган ва Connect (200 мл/100 л) да уруғни ивитиш ва ўсимликка 2 марта пуркалган ҳамда уруғни Radimax (100 мл/100 л) моддасида ивителиб экилган вариантларда эртапишган (99-101 кунда) ва ҳосил бериш давомийлиги узок (156-157 кун) бўлганлиги аниқланди.

8. Тажрибада ўсишни бошқарувчи моддаларни қўллаш ўсимликларда фузариоз сўлиш ва фитопторз касаллигига нисбатан чидамлилигини оширган.

9. Энг юқори товарбоп ҳосил Connect моддасини 200 мл/100 л меъёрда уруғларни ивитиш ва баргидан озиклантириш вариантларида 17,1-17,5 кг/м², назоратга нисбатан 12-14 фоиз юқори ҳосил берган ва товарбоп ҳосил улуши эса 94,2-94,5 фоизни ташкил этди.

10. Черри помидор кўчатларини экиш жараёнида гидрогель препаратини 1200 мг/м² қўллаш назоратга нисбатан гулларни эрта гуллашини навлараро - 7-12 кунга, меваларни эрта пишиб етилишини - 10-13 кун ва ҳосил бериш даврини 7-10 кунга юқори бўлиши аниқланган.

11. Гидрогель полимер моддаси черри помидор ўсимлигини ер устки қисмини ўсиши ва ривожланишига ижобий таъсир этиб, черри помидорни Блек черри, Красный сливовидный ва 1000 N2 помидорки навларига гидрогелни 1200 мг/м² меъёрада қўллаш ўсимлик поя узунлигини 29-37 см га, ён шохлар сонини 1-1,2 донага ва барглар сонини 7-11 та га оширганлиги аниқланди. Бу албатта ушбу моддани тупроқда нам ушлаши ва помидор илдизи озик моддаларни тез ва яхши ўзлаштиришини таъминлаган ва ўсимликни нисбатан қурғоқчиликка чидамлилигини оширган.

12. Черри помидорни Блек черри, Красный сливовидный ва 1000 N2 помидорки навлари кўчатларини экишда гидрогель полимер моддасини мақбул қўллаш меъёри (1200 мг/м²) ҳосилдорликни назоратга нисбатан мос равишда 3,7 кг/м² - 2,3 кг/м² - 2,3 кг/м² га ёки 26 – 18 – 18 % га оширганлиги аниқланди.

13. Иссиқхоналарда черри помидорни турли экиш схемаларини ўрганишда ўсимлик озикланиш майдонини ортиши ёки ўсимлик қалинлигини камайиши, ўсимлик ер устки қисми ўсишини кучайишига сабаб бўлди. Шу билан бирга озикланиш майдонини ортиб бориши яъни қаторлар ораси ёки ўсимликлар орасини кенгайиши товарбоп ҳосил улуши ва фузариоз сўлиш касаллигига чидамлилиги камайишига сабаб бўлди.

14. Черри помидорни майдон бирлигида шаклланган энг юқори ҳосили $\frac{80+60}{2} \times 30$ см ли ва $\frac{80+60}{2} \times 40$ см ли экиш схемаларида кузатилди ва назоратга нисбатан 3-8 фоизга юқори товарбоп ҳосил берганлиги ва ҳосил сифати яхши эканлиги аниқланди.

15. Черри помидорни Блек черри навини $\frac{80+60}{2} \times 30$ см ли экиш схемада, озикланиш майдони 0,21 м² ва ўсимлик қалинлиги 47,6 минг ўсим/га қилиб етиштирилганда энг юқори, бир метр квадратдан 16,2 кг ҳосил олинди.

16. Иссиқхоналарда черри помидорни истиқболли, серҳосил Блек черри, Красный сливовидный ва 1000 N2 помидорки навларидан ўртача гектаридан 563180 – 1101350 минг сўм соф фойда олинган.

17. Черри помидорни иссиқхоналарда етиштиришда қуйидагилар тавсия этилади: иссиқхоналарда серҳосил, касалликларга чидамли ва эртапишар, меваси ширин Блек черри, Красный сливовидный, 1000 N2 помидорки ва Медовый каскад истиқболли навларини экиш;

черри помидорни Connect (200 мл/100 л) моддасида уруғни ивитиб ва ўсимликка 2 марта пуркаш ҳамда Radimax (100 мл/100 л) моддасида уруғларни ивитиб экиш;

черри помидорни қурғоқчил ерларда етиштиришда гидрогель моддасини бир метр квадратга 1,2 г сувга бўктирилган холда, кўчат остига солиб экиш;

черри помидорни иссиқхоналарда $\frac{80+60}{2} \times 30$ см ли экиш схемада, яъни пушталар ораси 80 см, қаторлар ораси 60 см ва кўчатлар ораси 30 см ли схемада экиш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭГАМБЕРДИЕВ СОБИР ЙУЛДАШЕВИЧ

**РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ЭЛЕМЕНТОВ ВЫРАЩИВАНИЯ
В ТЕПЛИЦАХ СОРТОВЫХ ОБРАЗЦОВ ПОМИДОРА ТИПА ЧЕРРИ**

06.01.06 – Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ–2024

Тема диссертации доктора философии (PhD) сельскохозяйственных наук зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за номером В2022.2.PhD/Qx903.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и в информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:	Юнусов Салохиддин Атхамович доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Официальные оппоненты:	Дусмуратова Соадат Исмаиловна доктор сельскохозяйственных наук, профессор Хошимухжаев Бехзод Музаффарович кандидат сельскохозяйственных наук
Ведущая организация:	Научно-исследовательский институт овощебахчевых культур и картофеля


Защита диссертации состоится 27 феврал 2024 года в 14:00 часов на заседании Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Тел.: (+99871)260-48-00; факс: (+99871)260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, конференцзал).


С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрирована за номером 550317). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, 2-дом. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации в электронном виде опубликован 12 феврал 2024 года.
(реестр протокола рассылки №83 от 3 декабря 2023 года).




Э.Т.Бердиев
Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор


М.З.Холмуротов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, д.ф.с.х.н.,
доцент


А.А. Сафаров,
Заместитель председателя научного
семинара при научном совете по
присуждению учёных степеней, д.ф.с/х.н.,
доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Решение проблемы продовольствия, которая происходит в мире, рост численности населения требует увеличения объема производства продукции и разработки интенсивных технологий. Помидор в мировом масштабе является наиболее выращиваемой и употребляемой овощной культурой, одной из 15 основных сельскохозяйственных культур, широко выращиваемых в мире. Ведущими странами по производству помидора являются Китай (62,9 млн. т), Индия (19,0 млн. т), США (10,6 млн. т), Турция (12,8 млн. т), Италия (5,3 млн. т), Иран (5,3 млн. т), Испания (5,0 млн. т), Мексика (4,3 млн. т), Бразилия (3,9 млн. т). В Узбекистане помидор также является основной овощной культурой. В последние годы в нашей республике помидор выращивали на площади 61,37 тыс. гектаров и валовый урожай составил 2,2 млн. тонн, а средняя урожайность – 25,0 т/га.¹ В настоящее время при выращивании помидора в теплицах актуальными задачами являются подбор мелкоплодных сортов и гибридов типа черри, разработка современных агротехнических мероприятий по повышению урожайности.

На сегодняшний день растет спрос на увеличение объема выращивания помидора черри. В связи с этим в европейских странах с развитым сельским хозяйством, в США, Израиле, Японии, России проводятся множество исследовательских работ по выведению новых мелкоплодных сортов типа черри (10-20 г), с красивым товарным видом, красной, желтой, черной, розовой окраской и приятным вкусом и применению инновационных технологий выращивания. Несмотря на это, на сегодняшний день важными являются изучение и подбор в теплицах высокоурожайных, болезнеустойчивых сортов и гибридов помидора черри, а также разработка и совершенствование инновационных технологических элементов выращивания и снижение себестоимости.

В республике по овощеводству, в частности по выращиванию помидора традиционным способом проводились научные исследования и были достигнуты определенные результаты. Однако в настоящее время недостаточно исследований по выращиванию в теплицах помидора черри на основе современных технологий и совершенствованию их. В пункте 3.30 указа Президента Республики Узбекистан УП-60 “О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы”, посвященного ускоренному развитию национальной экономики и обеспечению высоких темпов роста, также особо отмечается как одна из важных стратегических задач «Увеличение доходов дехканских и фермерских хозяйств не менее чем в 2 раза путем интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, доведение ежегодного прироста сельского хозяйства не менее чем до 5 %». На сегодняшний день в связи с осуществлением последовательных мер в области увеличения объемов производства продукции и экспорта за счет

¹ [statinform.uz/sel/ogurec.html](http://statinform.uzstat.gov.uz/sel/ogurec.html).

управления овощеводческой отраслью, коренного реформирования системы и увеличения объемов выращивания помидора черри в теплицах актуальным является научное обоснование технологических элементов выращивания помидора черри.

Данное диссертационное исследование в определенной мере служит реализации задач, намеченных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-4549 “О дополнительных мерах по дальнейшему развитию плодоовощеводства и виноградарства и созданию в отрасли цепочки добавленной стоимости” от 11 декабря 2019 года, ПП-52 “О мерах по государственной поддержке плодоовощеводческой отрасли, дальнейшем развитии в отрасли системы кластера и кооперации” от 15 декабря 2021 года и в других нормативно-правовых актах, относящихся к данной отрасли.

Связь исследования с приоритетными направлениями науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в рамках приоритетного направления развития науки и технологий республики V. “Сельское хозяйство, биотехнология и охрана окружающей среды”.

Степень изученности проблемы. Следует отметить, что выведение сортовых образцов помидора черри и выделение среди них наиболее перспективных сортов изучались такими учеными мира, как С.Н. Muller, К. Kalloo, К. Winringham, Х. Рутген, в странах СНГ – А.В.Алпатьевым, Д.Д. Брежневым, С.И. Игнатъевой, Т.А.Терешонковой, А.С. Ерошевской, Е.В. Титовой, А.А. Аутко, В.Г. Королём, Г.А. Кузминкой, Н.И. Бочарниковой, П.М. Ахмедовым, Г.М. Мустафаевым, а в Узбекистане – Е.В. Ермоловой, Б.А. Азимовым, Е.Е. Ляном, М.Х.Арамовым, научные исследования в области применения стимуляторов роста на помидоре черри проводились в странах СНГ И.А. Жевновой, И.А. Мелником, А.А. Сулимовым, А.Г. Абрамовым, Н.А. Енгальчевой, К.Л. Алексеевой, а в республике – А.А. Атаходжаевым, Е.Е.Талаловой, А.М. Аббосовым, А. Мухаммадиевым, В. Зуевым, С.Дусмуратовой, С. Юнусовым.

Однако, до сегодняшнего дня в Узбекистане не проводились в достаточной степени научные искания по научным основам технологии выращивания сортов и гибридов помидоров типа черри, предназначенных для выращивания в теплицах, то есть по отбору сортов, влиянию новых стимуляторов роста и водосберегающих веществ и оптимальным схемам посадки. В связи с этим научное обоснование вышеуказанных агрометодов приобретает важное теоретическое и практическое значение.

